

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 7 ноябрь, № 217 (4627)

Жума

ЎЗБЕКISTON-БОЛГАРИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан, Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5 ноябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Георги Парванов Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Болгарияда ушбу ташрифга алоҳида ҳозирлик кўрилганини, зеро, Ўзбекистон билан муносабатлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентлар ушбу олий даражадаги учрашув икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик истиқболига қатъий ишончини кўрсатишни қайд этдилар. Ҳамкорликнинг шу кунгача орттирилган бой тажрибаси ва иқтисодий имкониятлар барча соҳаларда икки томонлама шериклик алоқалари кўламини кенгайтириш учун пухта замин бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ислам Каримов бу муаммага Ўзбекистоннинг ёндашуви ҳақида сўлаб, Афғонистонда тинчлик қарор топиши учун аҳолини қуролсизлаштириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини ўйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш лозимлигини таъкидлади. 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ҳам албатта иштирок этганини

назарда тутиб, «6+3» гуруҳига айлантириш зарур.

Георги Парванов Ўзбекистон раҳбарининг бу муаммага оид нуқтани назарини юксак қадрлашини, Ислам Каримовнинг амалий таклифлари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Болгария расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламининг анча юқори. Икки томоннинг товарлар ва хизматлар рўйхати нозир ташлаганда, бизнес босқичидаги алоқалар нисбатан суст эканлиги кўзга ташланади. Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон ва Болгария катта тажрибага эга. Полиэтил мулоқотлари этиштириш ва чорва селекциеси соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш мумкин.

Бу орқали озиқ-овқат ишлаб чиқариш, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида фаолият юритиладиган қўшма корхоналар тузишга ҳам янада кенгроқ йўл очилган бўлур эди. Тўқимачилик ва фармацевтика соҳасида, қишлоқ, пойабзал ишлаб чиқариш — бугунги куннинг долзарб соҳаларидан. Булар сирасига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, энергетикани ҳам қўшиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Болгария Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларида бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сарможа, банк-молия, ёқилғи-энергетика, қурилиш, машина-созлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, кимё, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, авиаташув, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, спорт ва маданият ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев Болгария Республикаси Президенти Георги Парвановнинг юртимизга ташрифи асосидаги олий даражадаги мулоқотлар ва ушбу бизнес-форум икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга, унинг очилмаган қирраларини кашф этишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Болгария кўпга соҳаларда улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли порлок. Лекин мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмайди, деб бўлмади. Ўзбекистонда болгариялик сарможадорлар билан ҳамкорликда тузилган йиғирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Болгариянинг бешта компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўзбекистон Болгарияга асосан трикотаж полотно, пахта толаси, мева-сабзавот ва полиз нематларни, рангли металл, ноорганик кимё, нефтини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни экспорт қилади. Болгариядан эса доридармон, пластмасса ва пластмассадан ясалган буюмлар, механик ускуналар, мебель, эфир мойи, қандолат маҳсулотлари, гигиена ашёлари ва атторлик буюмлари импорт қилинади.

Икки мамлакатнинг ўзаро муносабатлари ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган ўттизга яқин ҳужжатга асосланади. Улар орасида сарможаларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир битимлар бор.

Форумда Ўзбекистонда

ялли ички маҳсулот мунтазам ўсиб бораётгани, бунда юртимизда мавжуд мустаҳкам сибсий ва иқтисодий барқарорлик муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Болгариялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сарможа жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги улкан салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш босқичидаги янгилар ва ўзгаришларга юксак баҳо берилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги фаол сибсий мулоқот, муносабатлардаги ўзаро ҳурмат ва ишонч Ўзбекистон-Болгария ҳамкорлигини изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, — деди Георги Парванов. — Болгария делегациясининг ташрифи ва мазкур форум мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишга, икки томон учун ҳам фойдали ва манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман.

Анжуманда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида савдо-иқтисодий ва сарможий, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт ва логистика, банк-молия тизими, саноат, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат, мева-сабзавот ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш, болгариялик ишбилармонларни мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Болгария ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Биржа қатнашчилари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликнинг янада юксалишига ишонч билдирдилар. Томонлар ўзаро иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлашга, қўшма корхоналар сонини кўпайтиришга, биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олдилар.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон ташқи сибсатида Болгария билан муносабатлар алоҳида ўрин тутди. Мамлакатларимиз бир-бирини ишончли шерик деб билади. Шу боис халқаро майдонда Ўзбекистон Болгарияни, Болгария Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик Кенгашининг нодимий аъзоллигига, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши аъзоллигига, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ижроия кенгашига, ЕХТТ раислигига Болгариянинг номзодини ёқлаган. Болгария эса БМТда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи худуд деб эълон қилишга доир резолюция муҳокасида Ўзбекистон

нуқтани назарини қўллаб-қувватлаган. Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқиндир. Хусусан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари ҳамфикр.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2003 йили Болгарияга давлат ташрифи асосида Георги Парванов ўз давлатини Ўзбекистон учун «Улкан Европа бозорига очилган кичик эшик» деб атаган эди. Ислам Каримов Ўзбекистон Болгария учун Марказий Осиёга дарвоза вазифасини бажаришга тайёрлигини таъкидлаган.

Шу маънода, Георги Парвановнинг мамлакатимизга давлат ташрифини мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтариш йўлидаги яна бир амалий қадам, деб аташ мумкин.

6 ноябрь куни Дўрмон қароргоҳида Болгария Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул сафтордди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислам Каримов ва Георги Парванов фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг яккама-якка суҳбати бўлиб

ўтди. Ислам Каримов ва Георги Парванов Ўзбекистон-Болгария муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқбол, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Суҳбат чоғида Ислам Каримов ушбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалаларини атрофида таҳлил қилиш ва муҳокама этиш учун яқин имконият эканини таъкидлади. Болгария Президентининг ташрифи Софийанинг Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқи ва самимий истак-хоҳишининг амалий далили эканини қайд этди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САЙЛАНМОҚДА

Жиззах туманидаги Хавастлик маҳалла фуқаролар йиғини худудидagi мингдан зиёд хонадонда 7250 нафар аҳоли истиқомат қилади. Виллоятдаги энг катта маҳаллалардан бири бўлган Хавастлик фуқаролар йиғини раиси сайловига виллоят, туманлардаги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари ташриф этишгани худуд ахлини тадбирни кўтаринки руҳда ўтказишга даъват этди.

Аслида бунинг учун сайловга тайёргарлик арафасида пухта замин яратилганди. 2800 нафар сайловчи ўртасида тарғибот, тушунтириш ишлари изчил олиб борилди. Кўрсатилган уч нафар номзоднинг таржимаи холи, дастурлари ўн кун аввал сайлов ўтказиладиган жойга кўринарли қилиб осиб қўйилди.

— Кўриб турганингиздек, биз, вакилларга ҳамма нарса равшан, — деди «Аллитатор» фермер хўжалиги раҳбари Турсунбой Баҳодиров. — Аммо сўнги хулосани сайловдан сўнг чиқарганимиз маъқул.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси Холмат Уринбоевнинг сайловни очик овоз бериш йўли билан ўтказиш ҳақидаги таклифи барчага манзур бўлди.

Маҳалладошлар ўзлари яқин билган, муносиб номзодни оқсоқол этиб сайладилар.

— Маҳалламиз оқсоқоллигига муносиб номзодлар кўрсатилганди. Лекин сайловнинг муқобиллик, ошкоралик тамойиллари асосида ўтгани бу лавозимга энг обрўли, билимли, эртамизни ўйлаб иш қилитиладиган номзоднинг сайланишини таъминлади, — деди 11-мактаб ўқитувчиси Фароғат Нишонава.

Шунингдек, мазкур тумандаги Тошкентлик, Янгиобод туманидаги Совет маҳаллаларида ҳам сайловлар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти катта. Кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳоли фаровонлигини таъминлаш, одамлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутди. Шундай экан, маҳалла раислари ва уларнинг мас-

лаҳатчилари эл ўртасида обрў-этибор қозонган, фидойи, ташаббускор, билимли ва ҳаётий таърибига эга инсонлар бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам сайловнинг қонунчилик талабларига мувофиқ, очик-ошкора ҳамда демократик тамойиллар асосида ўтиши учун барча чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғини Кувасой шаҳрида-

ги намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда бу худудда ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Қўллаб маиший хизмат ҳамда савдо шаҳобчалари ишга туширилди. Мазкур маҳаллада бўлиб ўтган сайловда энг муносиб номзод учун овоз берилди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

«Қорақалпоқлаштасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси тизимида янги корхона — «Қўнғирот брезент» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Ойига 100 погон метр тент ва парус брезент ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу корхонада 123 киши ишга жойлашди.

Қўнғиротда янги корхона

— Корхона қошида тикув цехи ҳам очилиб, бу ерда 30 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда, — дейди жамият раҳбари Ойбек Бегжанов. — Яқинда Қўнғирот сода заводи буюртмасига кўра, 1000 жуфт брезент қўлқоплар тайёрлаб берди.

306 миллион сўмлик дастгоҳлар ўрнатилган тикув цехида Амина Жумамуратова, Икром Холмуратов, Соҳибжамол Мамбетова, Айнура Умбетова сингари касб-хунар коллежаларини яқиндагина битирган ёшлар ишлашаёпти. Бу ерда тайёрланаётган юқори сифатли, пишқ брезент маҳсулотларига талаб тобора ортиб бораёттир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Касаначилар сафи кенгаймоқда

2008

йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда касаначиликни ташкил этиш ҳисобига

85,1

мингта янги иш ўрни очилди.

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда имзоланган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперациони кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини изчил ижро этиш тўғрисида шунча киши иш билан таъминланди.



ЎЗБЕКИСТОН-БОЛГАРИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Болгарияга трикотаж полотно, пахта толаси, кимё маҳсулотлари, хизматлар экспорт қилади. Дори-дармон, механик ускуналар, гигиена ва пардоз ашёлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, мебель импорт қилади. Экспорт-импорт рўйхатидан кўриниб турибдики, айрим соҳаларда бевосита товар айирбошладан кўра қўшма корхона тузиш фойдалироқ. Масалан, мамлакатимизда мебелга талаб юқори. Болгария мебеллини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми янада кўпаяди.

Бундай соҳалар кўп. Ўзбекистонда кимё саноти, Болгарияда фармацевтика яхши ривожланган. Бу Ўзбекистонда Болгария технологиялари асосида дори-дармон ишлаб чиқариш учун яхши асос бўлиши мумкин. Ўзбекистонда Болгария сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар сони ҳозир йигирмага етмайди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Болгариянинг атиги беш фирмаси — «Вено Холдинг» (холдинг ва молия), «Зет энд Эм Прайвит» (кончиллик ва қишлоқ хўжалиги техникаси), «Энергия-97» (кўрғошин-кислотали аккумулятор ва батареялар), «Актавис» (фармацевтика), «Кокет» (трикотаж буюмлар) аккредитация қилинган, ҳолос.

Ислом Каримов икки мам-

лакатда мунтазам равишда миллий кўргазмалар, иқтисодий форумлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Ишбилармонларни ўзаро яқинлаштириш ва ҳамкорлигини мустақамлашда бевосита мулоқотларнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Президенти Тошкентда Болгария миллий кўргазмасини ташкил қилиш таклифини илгари сурди. Георги Парванов мамлакатимиз раҳбарининг таклифини қўллаб-қувватлар экан, қўшма бизнесни ривожлантиришда фазл ахборот алмашуви, шерикларнинг имкониятларидан яхши хабардорлик муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Транспорт коммуникациялари — алоҳида мавзу. Худудидан кўпал транспорт тармоқлари ўтган, Бургас, Варна, Русе шаҳарларида замонавий бандаргоҳларга эга Болгария Ўзбекистон учун Европага ҳақиқий кўприк вазифасини ўташи мумкин. Бу мамлакатда юк ташиш имкониятлари катта, логистика яхши ривожланган. Барча бандаргоҳлар йирик автомобиль ва темир йўл тармоқларига уланган. Болгария паромлариға юздан зиёд вагон сиғади.

Ўзбекистон Болгария учун Марказий Осиё дарвозаси бўлади. Мамлакатимиз минтақанинг барча давлатлари билан чегарадош. Ўзбекистондан Марказий Осиёнинг барча давлатларига замонавий автомобиль йўллари ва темир йўллар тортилган. Музокарада энергетика ва

сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Томонлар энергия манбалари конларини разведка қилиш ва ўзлаштириш, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш, меҳмонхона бизнесини ривожлантириш, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш юзасидан фикр алмашди. Икки мамлакатнинг минтақалари, шаҳарлари, ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Гуманитар ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. 1998 йилда очилган «Ўзбекистон-Болгария» дўстлик жамияти Ўзбекистонда истиқомат қилаётган болгарларнинг Маданий маркази билан ҳамкорликда мунтазам равишда маданий тадбирлар ўтказиб келади. Турли кўргазмалар ташкил этилмоқда, кино кунлари ўтказилмоқда.

Олимларимиз физика, электроника, материалшунослик, биология, тиббиёт, экология каби соҳаларда биргаликда изланишлар олиб бормоқдалар. Стратегик тадқиқотлар билан шуғулланувчи муассасалар, олий ўқув юрталари ўртасида алоқалар йўлга қўйилган.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. «Ўзбекиз» миллий компанияси, Ўзбекистондаги хусусий сайёҳлик компаниялари Болгариядаги шериклари билан биргаликда сайёҳ жалб этиш, даволаниш ва дам олиш бўйича турлар ташкил қилиш билан шуғулланмоқда.

Тошкентда ўтадиган сайёҳлик ярмаркаларида Болгария фирма ва компаниялари фаол қатнашиб келмоқда.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг қўшма баёоти қабул қилинди. Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларо битимлар, савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан уршувда Ислом Каримов ва Георги Парванов музокаралар самарали бўлгани ва дўстона руҳда ўтганини қайд этишди. Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларнинг истиқболли порлоқ эканидан далолат беришини таъкидладилар.

— Болгария Президентининг Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бахш этиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов. — Биз Болгарияни ишончли ҳамкор, деб биламиз. Мамлакатларимиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Музокарада минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб келишмоқда. Музокарада минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб келишмоқда. Музокарада минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб келишмоқда.

— Болгария-Ўзбекистон муносабатлари буй аъналарга эга, — деди Георги Парванов. — Бу муносабатлар

дўстлик ва ўзаро ишонч тармоқларига асосланади. Ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. Бугунги музокаралар ана шу асосни мазмунан бойитиш ва янада такомиллаштириш имконини беради.

Шу кун Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова билан учрашди. Сўхбат чоғида парламентларо ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистоннинг икки палаталари парламенти фаолияти билан танишди.

Болгария Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу нијатларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Г. Парванов Темурийлар тарихи давлат музейида ҳам бўлиб, Сохиқирон ва унинг авлодлари ҳаётига оид экспонатларни кўздан кечирди, музейнинг фахрий меҳмонлар китобиға дастхат ёзиб қолдири.

Болгария Республикаси Президенти Георги Парвановнинг мамлакатимизға давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат.

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Қашқадарё вилоятида аҳолиға хизмат кўрсатиш тизимини жадал ривожланмоқда.

Кредит сервисни ривожлантирмоқда

Бунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлашға қаратилган мақсадли дастур ишлаб чиқишнинг ҳамда изчил амалға ошириллаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дастурға мувофиқ, 2008 йилнинг ўтган тўққиз ойида тармоқни ривожлантиришға 3,8 миллиард сўм кредит ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан 2,1 баравар кўпдир. Кредит маблағларининг асосий қисми тижорат банклари ҳиссасига тўғри келди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шўрчи мебел фабрикаси негизида «Ўз-Осиё Делтаси» — ўзбек-хитой қўшма корхонаси ташкил этилди.

Хонадонлар файзи

Низом жамғармаси 287 минг АҚШ доллариға тенг бу фабрика тўлиқ қувват билан ишлаб боради. Корхонанинг замонавий русумда тайёрлаган ўн хилдан ортиқ буюмлари бозордан муносоиб ўрин олиб, хонадонларға файз бахш этмоқда.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоийда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика ҳуадуиди кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ғолиблар аниқланди

Тадбир иштирокчилари маҳалла меҳр-оқибат, тотувлик ва тарбия, қадим миллий аъна ва урф-одатлар маркази эканлигини театрлаштирилган томошалар орқали кўрсатиб беришди. Шунингдек, маҳалланинг маънавий ҳаётиға салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларни бартафат этиш, носоғлом муҳит юзига келган оилаларни аниқлаш ва ёрдам бериш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи талаблари тарғиботини изчил давом эттириш ҳақида баҳс юритилди.

Қизилтепа туманидаги «Милтиқчи» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулнора Очиловаға биринчи ўрин насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Бухоро ҳамда Хоразм вилоятлари вакиллари қўлга киритдилар.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янгийўл туманидаги «Мазали нон» масъулияти чекланган жамиятида хориж инвестицияси ҳисобига замонавий технология ва асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши туғайли бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортди.

Замонавий технология қўл келди

Мазкур жамият Тошкент вилояти ва пойтахт аҳолисиға кунига йигирма турдаги нон ва нон маҳсулотларини етказиб бормоқда. Бундан ташқари, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам кескин яхшилланганлиги боис бозорда анча харидорғир бўлиб бормоқда.

Кейинги йилдан «Мазали нон»да ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Ҳозирча бу ерда кунига 20 тонна ун қайта ишланмоқда.

А. РУСТАМОВ.

Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси Япон жамғармаси кўмағида юртимиздаги бир қатор таълим муассасаларига япон тилидаги ўқув қўлланмаларини ҳада этмоқда.

Таълимнинг уфқи кенг

Жумладан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Самарқанд туризм ва маший хизмат коллежлари элчихона томонидан етказиб берилган Японияда нашр этилган китоблардан баҳраманд бўлади.

Элчихона матбуот хизмати вакилининг билдиришича, ушбу адабиётлар мазкур таълим даргоҳлари талабалари ва ўқувчиларига япон тилини ўргатиш сифатини яхшилашда фойдаланарига катта ёрдам беради.

М. СОДИҚОВ.

Мустақил Ўзбекистон фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш сари дадил қадам ташлаб бормоқда. Табиийки, мақсадға фуқаролик жамияти институтларини ривожлантирмасдан, улар билан давлат фаолиятини мувофиқлаштирмасдан туриб эришиш мумкин эмас.

ОВОЗ БЕРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлиши маҳалла, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда янги тахрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятда халқ манфаатларини ифода этишда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Маълумки, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари институтини шакллантириш, аввало, сайлов йўли билан амалға оширилади.

Уларға сайлов, бошқа орган ва мансабдор шахсларни сайлашдан фарқли ўлароқ, бир кунда эмас, бир неча ой давомида амалға оширилади.

Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 30 сентябрдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қарориға асосан, 2008 йил ноябрь ва декабрь ойлари оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш муддати этиб белгиланган. Унда ушбу сайловларни ўтказиш муддатларидан ташқари, сайловни ташкил этиш, олиб бериш, назорат қилиш, натижа ва яқунларини чиқариш ҳамда бошқа шу каби масалалар ақс этган.

Хар қандай сайлов каби фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайловнинг ҳам асосий мазмуни ва уларнинг демократиявий тамойилларға асосланганигини белгилаб берувчи ҳолат — бу уларға овоз бериш жараёнидир. Овоз бериш жараёнидаги муносабатлар «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун билан тартибға со-

линади. Ушбу Қонуннинг 6-моддасиға кўра, оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар ёки уларнинг вакиллари томонидан икки ярим йил муддатта сайланади. Овоз бериш очик ёки яширин тарзда амалға оширилиши мумкин. Қонуннинг 20 ва 21-моддаларига асосан, сайлов очик овоз бериш орқали ҳар бир номзод бўйича тақлифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан оддий кўринишда амалға оширилади. Яширин овоз бериш ор-

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

қали эса сайловлар санок комиссияси ташкилотчилигида амалға оширилиб, бунда бюллетенларға номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади. Бюллетенлар сайловчиларға овоз беришдан олдин тарқатилиб, улар яширин овоз бериш хоналарида ёки кабинетларда тўлдирилади. Сўнгра бюллетенлар сайлов қутисига ташлиниб, бу қутилар фақатгина махсус санок комиссияси томонидан очилиши мумкин.

Шунингдек, Қонуннинг 26-моддасиға кўра, номзодлар икки нафардан ортиқ бўлса ва биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий сайлов Қонунда бир ойдан кўп бўлмаган муддат ичида ўтказилиши лозимлиги кўрсатилган.

Ушбу сайловлар ҳам жаҳон стандартларига жаовоб бериши, жараёнининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши юқорида келтирилган Сенат Кенгаши Қарорида ақс этирилган. Шу билан бирга, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фаолияти маҳаллий, ўзбекона урф-одатлар,

бағрикенглик ҳамда миллий ғояни ўзида сингдирган институт бўлиб, у, аввало, маҳаллий аҳолининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши кўзда тутилади. Оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари маҳалла миқёсида давлатнинг аҳолиға, фуқароларға бўлган ғамхўрлигини амалға ошириш, унинг вакили бўлиб турувчи орган ҳамдир. Айни чоғда уларнинг фуқаролар ҳуқуқий, сиёсий ҳақида ижтимоий онгини оширишдаги ўрнини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки улар доимо аҳоли билан бевосита алоқанда бўлиб, мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий янгиликлар ва ўзгаришларни аҳолиға етказиб боришға масъулдирлар.

Юқоридегилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёнининг демократиявийлиги ва қонунийлик принциплари талабларига мос равишда ўтиши ушбу органларнинг келажадаги фаолиятиға таъсир этибгина қолмасдан, балки уларнинг жамиятға келтирадиган нафтини ҳам белгилаб беради. Зеро, мамлакатда давлат органларининг маҳаллий бошқарув ва маҳалла органлари билан биргаликда фаолият юритишларига эришиш жуда муҳим. Шундангина мамлакатдаги демократия янгилиниш ва модернизация жараёнининг жадаллаштириши, маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалардаги фаоллигини ошириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятиға ўтишини таъминлаш имкони туғилади.

Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдош қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.



БУХОРОНИНГ ХАРИДОРГИР ГИЛАМЛАРИ

«Бухоро-гилам» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси маҳсулотларига бўлган талаб Россия, Туркманистон ва бошқа давлатларда тобора ошиб бораётти. Корхона гиламлари ички бозорда ҳам аллақачон ўз ўрнини топанган. Бу жамоанинг янги технологияларни жорий қилиш борасидаги изланишлари маъсулдир.

Ўтган йилнинг ёзида Президентимиз мазкур корхонада бўлиб, экспортроп маҳсулотлар тайёрлаш юзасидан қимматли маслаҳатлар берган эди. Бундан рудхланган корхона ишбилармонлари «Пахтабанк»дан олинган кредит эвазига асосан компьютер билан бошқариладиган «Альфа-360» русумли замонавий тўқув дастгоҳларини олиб келиб ўрнатишди. Натижанда маҳаллий хом ашё — жун ва нитрон толасидан оҳорли гиламлар тайёрлаш ҳажми кўпайди. Уч йил муқаддам 120 нафар ишчи-мутахассис билан фаолиятини

бошлаган қўшма корхонада ҳозир ишловчилар сони 350 нафардан ошди. Корхона раҳбарияти йил охиригача Германиядан янги йигирув линияси харид қилиб, таркибининг асосий қисмини табиий жун ташкил этувчи гиламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниетида.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: «Бухоро-гилам» қўшма корхонаси ишчиси **Нисора Қобилова.**

И. ҲОЖИЕВ олган сурат.

Қишға тайёргарлик — долзарб вазифа

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 майда қабул қилинган «2008 йилда мевасабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Қашқадарё вилояти деҳқон бозорлари, тайёрлов-савдо ташкилотлари ҳамда ижтимоий муассасаларида қиш мавсуми учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захираси яратилмоқда.

Қишға пухта ҳозирлик кўриш халқимизнинг азалий аъналаридан. Эндиликда болалар боғчалари, касалхоналар, мактаблар ва бошқа ижтимоий муассасаларда ҳам қиш ойлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ғамлашға жиддий эътибор берилмоқда.

Қиш туманида жорий йилда 1900 тонна маҳсулот жамғариш режалаштирилган. Бу асосан деҳқон бозорлари, «Улуржисавдоинвест» уюшмаси корхоналари, ижтимоий соҳа муассасалари ва йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Қиш туманида жорий йилда 1900 тонна маҳсулот жамғариш режалаштирилган. Бу асосан деҳқон бозорлари, «Улуржисавдоинвест» уюшмаси корхоналари, ижтимоий соҳа муассасалари ва йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.


Қиш туманида жорий йилда 1900 тонна маҳсулот жамғариш режалаштирилган. Бу асосан деҳқон бозорлари, «Улуржисавдоинвест» уюшмаси корхоналари, ижтимоий соҳа муассасалари ва йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Қиш туманида жорий йилда 1900 тонна маҳсулот жамғариш режалаштирилган. Бу асосан деҳқон бозорлари, «Улуржисавдоинвест» уюшмаси корхоналари, ижтимоий соҳа муассасалари ва йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Қиш туманида жорий йилда 1900 тонна маҳсулот жамғариш режалаштирилган. Бу асосан деҳқон бозорлари, «Улуржисавдоинвест» уюшмаси корхоналари, ижтимоий соҳа муассасалари ва йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Қиш туманида жорий йилда 1900 тонна маҳсулот жамғариш режалаштирилган. Бу асосан деҳқон бозорлари, «Улуржисавдоинвест» уюшмаси корхоналари, ижтимоий соҳа муассасалари ва йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

А. МУҲАММАДИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.



Маълумки, ҳар бир жамиятда иқтисодий муносабатлар устуворликка эга бўлган асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан давлатнинг Асосий Қонуни ҳисобланган Конституцияда бу масалага кенг ўрин берилган. Ўзбекистон Конституциясида иқтисодий муносабатлар масаласига алоҳида боб бағишланиб, унда иқтисодиётимиз бозор муносабатларига асосланиши таъкидланади.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Чунони, Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида ёзилишича, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Ушбу моддада иқтисодий муносабатларнинг асоси бўлган мулк масаласига катта эътибор қаратилган бўлиб, унга мувофиқ, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқли ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилади. Айниқса, хусусий мулкни кенг жорий қилишга уруғ берилиб, унинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз эканлиги, давлат ҳимоясидаги белгилаб қўйилган.

бундай йўл жамиятимиздаги кўпгина иқтисодий ҳамда иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини бермоқда. Аграр соҳадаги ислохотлар — иқтисодий ислохотларимизнинг бош йўналишларидан. Чунки мамлакат миллий даромади, яъни валюта тушумининг асосий манбаларидан бири қишлоқ ҳўжалиги эканлиги, аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда истиқомат қилиши иқтисодиётнинг ушбу секторини устувор ривожлантириши тақозо қилади. Конституцияда ўрнатилган нормалар асосида бу йўналишда, энг аввало, қишлоқ ҳўжалиги ислохотларининг ҳуқуқий асослари яратилди, мулкчилик ва иқтисодий эркинлик тафаккури, эркин рақобат муҳити юзага келтирилди. Қолаверса, маъмурий-бўй-руқбозлик иш услубларидан халос бўлиниши ва бозор иқтисодиёти таъминлиги ҳамда механизмлари ишлаб бошлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ва ҳўжалик тизимига интеграциялашуви амалга оширилди. Пировадда бозор инфратузилмаси барпо этилди ва унинг барқарор фаолияти таъминланди.

Иқтисодий тараққиётга эришишда табиий бойликларнинг алоҳида ўрни бор. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш иқтисодиётни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан, Конституцияимизнинг жамиятнинг иқтисодий негизларига бағишланган бобда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишга катта эътибор берилган. "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар, — дейилади Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида, — умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир". Конституцияда табиий бойликларнинг давлат мулки қилиб кўрсатилиши табиий ресурслардан фойдаланишда умумхалқ ва давлат манфаатларининг устуворлигидан далолатдир.

Асосий Қонунимизда табиат бойликларига давлат мулкчилиги устуворлиги ўрнатилганлиги билан бир қаторда уларга нисбатан жорий қонунларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонларида баъзи тоифадаги ерларга нисбатан хусусий мулкчилик қўлланилиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган.

корхоналар таъсис қилинганди, уларнинг устав жамғармаларига ўзларининг активларини киритиши, молния муассасаларидан кредит олиш учун гаровга қўйишлари мумкин. Фуқаролар томонидан хусусийлаштирилган ер участкаси билан боғлиқ муаммолар доираси ҳам чекланмайдди. Улар ерни сотиб олишлари, сотишлари, айирбашлашлари, ҳада қилишлари, мерос қилиб қолдиришлари, бошқа шахсларга фойдаланишга ёки ижарага беришлари мумкин.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Арзон уяли телефонлар

Қўл телефонлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Nokia» компанияси ўзининг арзон маҳсулотларини намойиш этди.



«Nokia» томонидан ишлаб чиқарилган мазкур қўл телефонларига 25 АҚШ доллари 90 АҚШ доллари-гача нархлар белгиланган. Компаниянинг расмий сайтида ёзилишича, 25 долларлик телефон бугунги мобил алоқа бозорига «Nokia»нинг энг арзон маҳсулотидир.

Самолёт қулаб тушди

Мексика пойтахти Мехико шаҳрида самолёт ҳалокатга учради. Бу ҳақда «AFP» хабар тарқатди.

Сан-Луис-Потоси шаҳридан Мехикога парвоз қилган ҳаво кемаси номалум сабабларга қўра ерга қулаб тушган. Самолёт ерга урилиши натижасида портланган ва ёнғин юзага келган. Оқибатда фожиа жойидаги бир нечта машина ҳам ёниб кетган. Бахтсиз ҳодиса натижасида 13 киши ҳалок бўлган айтилмоқда. Қурбонлар орасида мамлакат ички ишлари вазирлиги Хуан Камилло Муринонинг борлиги маълум қилинган.

Нефть қувурида портлаш

Ироқдаги Киркук-Жейҳан нефть қувурида портлаш юз берди, дея хабар қилади «Reuters» агентлиги.

Мазкур нефть ўтказгич Туркиянинг «Botas» компанияси томонидан бошқариларди. Портлаш сабаблари тўғрисида маълумотлар йўқ. Айтилган воқеа жойида мутахассислар таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда. Киркук-Жейҳан қувури



Ироқнинг «қора олтин»га бой туманларидан бирида жойлашган бўлиб, Туркия денгиз порти орқали қўнға 480 минг баррел нефть экспорт қилади.

Супермаркетда отишма

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, Американин Жанубий Каролина штати Чарльстон шаҳридаги супермаркетлардан бирининг олдиди отишма содир бўлган. Бу муҳим воқеа сабаб бир киши ҳалок бўлган, яна бир одам оғир тан жароҳати олган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари жиноятчиларнинг шахсини аниқлаш билан шуғулланмоқда.

Завод ёпилади

Даниянинг пиво ишлаб чиқарувчи «Carlsberg» компанияси ўзининг энг қадимий заводларидан бирини ёпмоқчи, дейилади «AFP» хабарига.

Корхона Англиянинг Лидс шаҳрида жойлашган бўлиб, 1822 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Унда асосан «Tetley» маркали пивоси тайёрланади. «Carlsberg»нинг бундай қарорига келишига Буюк Британия иқтисодиётида кузатилаётган инқироз сабаб бўлмоқда. Компания экспертлари кузатишларига қўра, жорий йилнинг учинчи чора-ғида мамлакат бозорига пиво маҳсулотларига бўлган талаб 7,2 фоизга тушиб кетган. Пивобарлардаги тушумлар ҳам сезиларли даражада камайган — 8,1 фоиз. Бундан ташқари, мамлакатда ҳар ҳафтада камиди бешта пивобар ёпиламоқда.



Талаб 7,2 фоизга тушиб кетган. Пивобарлардаги тушумлар ҳам сезиларли даражада камайган — 8,1 фоиз. Бундан ташқари, мамлакатда ҳар ҳафтада камиди бешта пивобар ёпиламоқда.

БМТ чекишга қарши

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ташкилотнинг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида чекишни тақиқлаш тўғрисида резолюция қабул қилди.

Сўнгги пайтларда йиғилишлар ўтказиладиган заллар ва иш жойларида чекиш ман қилинган. Ишчилар эса бино ертўласидан чекиш жойи сифатида фойдаланиб келишмоқда. Энди эса умуман бино ҳудудида чекмасликка тўғри келади.

Чойнак сувни тежайди


Буюк Британиядаги «Envirowise» давлат ташкилоти мамлакатдаги муассасалар раҳбарларига ҳодимларга чой тайёрлашда сувдан камроқ фойдаланиш илтимоси билан мурожаат қилди, дея ёздади «The Daily Telegraph» газетаси.

Ташкилот мутахассисларининг фикрича, чойни алоҳида идишларда тайёрлашдан қўра, чойнакда дамласа, ичимлик суви кўпроқ тежаларкан. «Envirowise» ҳодимларидан бири бу йўл билан нафақат суви, балки электр энергиясини ҳам кўпроқ тежаш имконини туғилишини айтиб ўтган.

Мамлакатда келтирилишича, Буюк Британияда йилга 30 миллиард донга кичик идишда чой дамланар экан.



Чойнак сувни тежайди. Ташкилот мутахассисларининг фикрича, чойни алоҳида идишларда тайёрлашдан қўра, чойнакда дамласа, ичимлик суви кўпроқ тежаларкан.



КАСБИНИ ШАРАФЛАЁТГАН УСТОЗ

Назира Раҳимова Самарканд туманидаги 64-умумтаълим мактабиди физика фанидан дарс беради. У мактаб таълими соҳасида 34 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган катта тажрибали, ўз касбининг фидойиси бўлган педагоглардан биридир. Муаллимнинг мактабларида физика фанини ўқитиш услубиятини замонавий таълаблар асосида қайта ташкил этиш масаласига доир қизиқарли ўқув-методик қўлланмалари вилоят мактабларида кенг жорий этилган. Унинг таълимини олаётган ўқувчилари эса физика фани бўйича вилоят ва республика фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, энг юқори совринларни эгалламоқдалар.

МУАЛЛИМЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан ҳам боғлиқ.

Коракалпоғистон Республикаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилмақда.

Институтининг бошланғич таълим тизими кафедраси ташаббуси билан Мўйноқ туманида ўтказилган кўргазмали семинарда интер-фаол усулда таълим бериш технологиялари, ўқувчиларнинг ақлий салоҳиятини оширишга таъсир этувчи ноъанавий услубларни қўллаш тажрибаси ҳақида сўз борди. — Мақсад — илгор тажриба ва ахборот технологиялари асосида ўқитувчиларнинг назарий ҳамда амалий билимларини оширишдан иборат, — дейди институтининг етакчи мутахассиси Пардағул Солиева. — Машғулотларимизда иштирок этган ўқитувчилар янги таълим технологиялари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўйдилар. Энди улар ушбу йўналишда ўзлари меҳнат қилаётган мактабларда касбдошлари ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боришлари мумкин.

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ МАВҚЕИ

Анжуманда мамлакатимиз аёлларининг фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга ошираётган ишларига Германия Федератив Республикаси давлатидан ташриф буюрган олимлар, жамоат арбоблари Кристиан Гюнтер хоним, профессорлар Сибилла Флюче, Хильдагард Мария Никель ва бошқалар юксак баҳо бердилар. Виложта аёллар соғлиги, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, шунингдек, бандлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани тadbир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Официальный дистрибьютор

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ КИД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодиётнинг ривожини бевоқифа чиқиндилар ҳажмининг ошишига ҳам олиб келади. Бу эса хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини янада такомиллаштириши тақозо этади. Йўқса, чиқиндилар атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига жиддий ҳавф туғдирувчи ўчоққа айлиниб қолиши мумкин.

БИЛГАНГА КОНИ ФОЙДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди. Бу, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топди. Шунингдек, истиқлол йилларида қабул қилинган 25 та қонун ва меъёрий ҳужжатлар, хусусан, 2002 йилда кучга кирган «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мусавфо экологик муҳитни таъминлаш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ва уларни келгуси авлодга бус-бутун етказишга қаратилган билан, айниқса, аҳамиятланди.

Анжуман

Кеча Ташкентда очилган «Ўзбекистонда чиқиндилар бошқаруви» мавзусидаги ўқув-амалий анжуманда шу ҳақда сўз борди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳамда Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чиқиндиларни тўплаш, уларни белгиланган жойларга ташини, қайта ишлаш ва зарарсизлантириш тадбирлари катта маблағ талаб этади. Ҳукуматиимизнинг мазкур тизимга алоҳида эътибори туфайли юртимизда чиқиндилар бошқаруви такомиллашиб, ўз самарасини берапти. Бунинг сўнгги йилларда республикаимизда атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши 2,5, сув ҳавзаларига оқова сувларнинг оқизилиши 2 бараварга камайгани, пестицидлардан фойдаланиш деярли 4 бараварга қисқаргани яққол кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда йилга маъмурий, қишлоқ ҳўжалиги чиқиндиларидан ташқари, 100 миллион тоннадан ортиқ санаят чиқиндилари тўпланади. Уларнинг 14 фоизини заҳарли чиқиндилар ташкил этади. Дунёнинг ривожланган давлатларининг илгор тажриблари ўрганилиб, ички ва ташқи инвестиция эвазига замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани уларни зарарсизлантириш, қайта ишлаш ҳажминини йил сайин ошириш имконини бермоқда. Бироқ, анжуманда қайд этилганидек, ҳозирги кўрсаткичлар имконият даражасида эмас, маъмурий чиқиндиларнинг асосий қисмини ташкил этадиган қоғоз ва металл қайта ишлашга икти-сослашган корхоналарни кўпайтириш зарур.

Айни пайтда Ўзбекистонда чиқиндилар бошқаруви масалалари бўйича ҳаракат режаси доирасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури изчил амалга оширилмоқда. Натижада 160 дан зиёд чиқиндиҳоналар босқич-ма-босқич муҳандислик эҳтиёт чоралари билан таъминланаёпти, тизим корхоналарига зарур техника воситалари жалб этилаёпти. Ўқув-амалий анжуман иши давом этмоқда.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«KAFOLAT RIELT» МҶШ

2008 йил 8, 10, 12 декабрь кунлари соат 14.00 да Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 47-уйда жойлашган Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Фаргона вилояти муассасаси биносида

очик аукцион савдоларини ўтказилади.

Аукцион савдоларига қуйидаги мулк қўйилмоқда:

Фаргона вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 25 декабрдаги 15-07-09/11681-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган, Фаргона вилояти Бешарик туманидаги «90-ҳўжаликларро механизациялашган кўча колонна» ОАЖнинг суд бошқарувчиси Б. Дадажонов томонидан тақдим этилган, Фаргона вилояти, Бешарик шаҳри, «Навбахор» МФЙ, «Нуробод» кўчаси, 10-уйда жойлашган «90-ҳўжаликларро механизациялашган кўча колонна» ОАЖнинг бино ва иншоотлари мажмуаси сотилимоқда.

Бошланғич баҳоси — 822 446 417 сўм 51 тийин.

Ушбу мулкни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдоридида закатла пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда, савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закатла пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Ташкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 238-69-93.

Шунингдек, ушбу мулк белгиланган кунда сотилмаган тақдирда, ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қайта қўйилиши мумкин.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



Президенти-мизнинг “Республика Олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори теннисимиз ривож учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

БЎЛАЖАК ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ

Қарорга мувофиқ, пойтахтимизда юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган республика Олимпия захиралари теннис мактаби ташкил этилди. “Тошкент теннис маркази” спорт мажмуаси ва унга қарашли беш гектарлик бўш майдон теннис мактаби тасарруфига ўтказиб берилди.

— Айтиш жоизки, мактабимизга илк ўқувчиларни қабул қилиш қатъий танлов асосида амалга оширилди, — дейди унинг директори Самғ Абидов. — Теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, юқори салоҳиятга эга бўлган, 1995-1996 йилларда тузилган йигирма нафар иқтидорли йигит-қиз мактабимизнинг биринчи қалдирғочлари бўлишди. Уларнинг техник, тактик ва жисмоний тайёргарликлари махсус тест орқали аниқлаб олинди. Ҳозир бизда тарбияланаётганларнинг 15 нафари Тошкент шаҳри, беш нафари эса Андижон, Бухоро, Наманган, Қашқадарь ва Хоразм вилоятлари ёшларидир.

Иқтидорли ёш теннисчилар маҳоратини ошириш, терма жамоа захирасини тўлдириб бориш, юксак даражадаги халқаро мусобақаларда мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тайёрлаш учун йиллар давомида меҳнат қилиш керак. Қола-

таъмирланиб, янгилари ишга туширилди. Халқаро талабларга жавоб берадиган 17 та очик, 3 та ёпиқ замонавий теннис корти болалар ихтиёрига топширилди. Ёш теннисчиларга Валерий Безверхов, Валерий Ефимов сингари тажрибали мураббийлар сабоқ беришмоқда.

Ўзбекистонлик спортчиларнинг Олимпиада ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, турли халқаро турнирларда эришяётган муваффиқиятлари бутун барчамизни қувонтирмоқда. Улар орасида теннисчилар ҳам қўшниликни ташкил этади. Албатта, спортчиларимизнинг қўлга киритаётган галабаларини юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялашга берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик самараси, дейиш мумкин.

Шуни ишонч билан айтиш жоизки, яқин келажақда жаҳон теннис осмонидида Ўзбекистонлик кўплаб ёрқин юлдузлар порлай бошлайди.

Қарор ва ижро

верса, бу борада замон талабларига жавоб берадиган, малакали мутахассисларга эга теннис мактабига ҳам эҳтиж сезилади.

Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур спорт мактабига ёш теннисчилар ўқув-йигин машғулотларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратилган. Янги қурилган уч қаватли меҳмонхонанинг икки қаватида ёш теннисчилар истиқомат қилишади. Бу ерда уларнинг ўқиш ва дам олиши учун барча қулайликлар мавжуд. Келажақда ўн та компьютерга эга бўлган махсус ахборот маркази ҳам фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, мавжуд теннис кортлари

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.

Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар (U 19) ўртасида давом этиётган Осиё чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди. Кўни кеча гуруҳ учрашувлари якунланиб, чорак финалда иштирок этадиган савкизта жамоа номи маълум бўлди. Улар орасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам бор.

Ўзбекистон ёшлари — чорак финалда

Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учинчи тур учрашувини Таиланд футболчиларига қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида галаба қозонди. Тўғри 35-дақиқада Фозил Мусаев киритди. Гуруҳдаги Австралия — Иордания беллашувида эса 2:1 ҳисоби қайд этилди.

Шу тарихда гуруҳда Австралия ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари 7 тадан очко тўплашди. Тўғри нисбати бўйича (4-2, 3-1) биринчи ўрин “Яшил қитъа” вакилларига насиб этди.

Чорак финал ўйинлари 8 ноябрь кўни бўлиб ўтади. Унда Хитой — Ўзбекистон, Япония — Жанубий Корея, Саудия Арабистони — БАА, Австралия — ҚХДР терма жамоалари майдонга тушади.



Ярим финалга йўл олган жамоалар 2009 йилда Миср давлати мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

О. ТОШТИМРОВ тайёрлади.

«Қамолот»нинг шахмат тахтаси

Қашқадарь вилояти “Ёшлар маркази”да “Қамолот” шахмат тахтаси спорт турнири бўлиб ўтди. Воҳанинг барча шаҳар ва туманларидан келган 60 дан ортққ ёш шахматчининг ҳар бири голибликка даъвогарлик қилди.

Турнир якунида 14-16 ёшли шахматчилар ўртасида Маъруф Убайдуллаев ва Сафина Рафиева, 16-18 ёшлилар баҳсида эса Акмал Файзуллаев ва Марҳаб Тўраева энг яхши натижага эришдилар. Улар “Қамолот” шахмат тахтаси турнирининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.




ЎЗБЕКИСТОН ВРАЧЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

мамлакатимизнинг барча шифокорларини юртимизда тантанали нишонланаётган касб байрами —

Тиббиёт ходимлари кўни

билан самимий муборакбод этади ва уларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамда инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек машаққатли ва шарафли ишларида улкан омад тилайди.



«ISUZU» озодаликни таъминлайди

Фарғона шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Самарқанддаги «ISUZU» автомобиль ишлаб чиқариш корхонасидан кўчаларни тозалаш, чиқиндилар ташишга мўлжалланган 4 та автомашина харид қилинди.

Бошқарилиши қулай, тор кўчаларда ҳам бемалол ҳаракатлана оладиган, 3,5 тонна юк қўтариш қобилиятига эга бўлган бу автомашиналар шаҳар коммунал хўжалик ходимларига

беминнат ёрдамчидир. Улар яна бир нечта ана шундай автомашиналарга буюртма беришни режалаштирмоқдалар.

С. НАБИЕВ.

NISSAN TIIDA
КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ

NISSAN TIIDA
Превосходная динамика и эlegantный просторный салон. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Безупречность в каждой детали. Особая атмосфера надежности, безопасности и комфорта.

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto, ☎ 295 88 77: **цена от \$ 31 000*, гарантия — 2 года, или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.**

* Цена указана с учетом базовых опций.

МАДАНИЯТ хабарлари

Урганч шаҳрида жойлашган “Ўз Олмон Хотелз” кўшма корхонасининг “Хоразм Палас” меҳмонхонаси Испаниядаги “Савдо лидерлари клуби” томонидан таъсис этилган халқаро мукофотга лойиқ деб топилди.

Совриндор меҳмонхона

Ушбу юксак мукофот дунёдаги энг ийрик сайёҳлик компаниялари, нуфузли меҳмонхоналар фаолиятини баҳолаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган.

“Хоразм Палас”нинг ана шу мукофотга лойиқ топилиши бежиз эмас. Бутунги кунда Хоразмда сайёҳлик тизими кун сайин ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида воҳага дунёнинг 69 та мамлакатидан 31 минг нафарга яқин чет эллик сайёҳ ташриф буюрди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Германия маданияти ҳафталиги якунланди

Республикамизда Германия маданияти ҳафталиги якунланди. Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Гёте институти ташаббуси билан юртимиздаги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари кўмагида ташкиллаштирилган ушбу ҳафталик қарийб икки ой давом этди.

Ҳафталик доирасида пойтахтимизда ва вилоятларда 30 га яқин тадбирлар ва лойиҳалар, хусусан, замонавий немис маданиятини акс эттирувчи кўргазмалар, концертлар, бадий кечалар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилди. Германияда суратга олинган бир қатор фильмлар намойиш қилинди.

Шаҳно ЗАЙНИЕВА.

MOBILE Internet

Маълумот узатишнинг юқори тезлиги 153 Кбит/сония!
Чекка туманларда уланишнинг мустақамлиги!
1 Мегабайт \$0,01 дан!

Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида.

(8598) 305-1111

Perfectum Mobile
DREAMS COME TRUE

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаххих — Ш. Машраббоев.

Тошпирилди — 22.40